


## **ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ РЕКТОРИ БОТИР ШУКУРИЛЛАЕВИЧ УСМОНОВ БОШЧИЛИГИДАГИ ОЎМТВ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИГ ДЕБРЕЦЕН УНИВЕРСИТЕТИГА ТАШРИФИ**

Венгриянинг Дебрецен университети ректори профессор Золтан Сзилваши таклифига биноан 2021 йил 25-28 август кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги расмий делегацияси Венгриянинг Дебрецен университетига ташриф буюрди. Делегация таркибида Тошкент кимё-технология институти ректори Б.Ш.Усмонов, Тошкент фармацевтика институти проректори Н.С.Нормахаматов, Тошкент давлат аграр университети доценти Ш.Э.Умидов бўлдилар.

Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ҳамда Дебрецен университети ўртасида тузилган шартномага асосан, ҳамкорликни янги босқичларга олиб чиқиш мақсадида 25 август куни Дебрецен университети раҳбарияти ва ОЎМТВ делегацияси ўртасида расмий учрашув бўлиб ўтди.



*2021 йил 25 август, ОЎМТВ делегацияси ва Дебрецен университети раҳбарияти ўртасидаги учрашув, Дебрецен шаҳри*


Дастлаб, делегация раҳбари Б.Ш.Усмонов Дебрецен университети билан мавжуд билимларни бирлаштириш, ундан ҳар икки томон олий таълим муассасалари манфаатлари йўлида фойдаланишни, ҳамкорликни яқин муддатларда йўлга қўйишни, бу эса ўз навбатида ўзбекистонлик талабаларнинг Дебрецен университетида ўқишига кенг имкон беришини таъкидлаб ўтди. Дебрецен университетида синовдан ўтган янги моделлар, иқтисодий ҳамкорлик ва корхоналарнинг таълим ва тадқиқотларда фаол иштирок этиши, ушбу тажрибадан фойдаланиш бизнинг билимлар базасини кенгайтиришга ёрдам беради.



*2021 йил 25 август, ТКТИ ректори Б.Ш.Усмонов, Дебрецен шаҳри*

**Расмий учрашув давомида Тошкент кимё-технология институти ва Дебрецен университети ўртасида Озиқ-овқат технологияси ва Озиқ-овқат хавфсизлиги йўналишларида Магистратура ва Бакалавриатура таълим босқичларида икки томонлама диплом бериш учун қўшма таълим**

**дастурига оид ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Ушбу шартномага мувофиқ ўқишга қабул қилинган талабалар Тошкент кимё-технология институти ҳамда Венгриянинг Дебрецен университетида таълим олиб икки томонлама диплом олиш имкониятига эга бўладилар. Шунингдек, виночилик ва саноат узумчилиги, биотехнология соҳаларида ҳам ҳамкорликда қатор ишлар олиб бориш борасида ҳам келишувларга эришилди.**



*2021 йил 25 август, ТКТИ ректори Б.Ш.Усмонов ва Дебрецен университети ректори З.Сзилвашии, ҳамкорлик шартномаси имзолаш маросими, Дебрецен шаҳри*

Куннинг иккинчи ярмида делегация аъзолари Дебрецен университети Умумий тиббиёт ва Фармацевтика факультетларига ташриф буюрдилар. Ушбу факультетларда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари, соҳага оид янгиликлар билан яқиндан танишдилар.



*2021 йил 25 август, Делегация аъзолари Умумий тиббиёт ва Фармацевтика факультетлари билан танишув, Дебрецен шаҳри*

26 август куни делегация аъзолари Дебрецен университетининг Қишлоқ хўжалиги кампусига ташриф буюрдилар. Ушбу кампус Қишлоқ хўжалиги, Озиқ-овқат ва атроф-муҳит менеджменти ва Иқтисодиёт ва бизнес факультетларини ўз ичига олади. Мазкур кампусда факультет деканлари билан давра суҳбати ташкил этилиб, ўзаро маълумотлар алмашилди, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси, робототехника йўналишларида яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича келишиб олинди.



*2021 йил 26 август, Делегация аъзолари ва Қишлоқ хўжалиги кампуси факультет деканлари ўртасидаги давра суҳбати, Дебрецен шаҳри*

Шунингдек, кампусда фаолият олиб борётган бир қанча илмий лабораториялар жумладан, балиқчилик лабораторияси, тупроқни текшириш лабораториялари фаолияти билан яқиндан танишилди. Сўнг, Ўзбекистон Республикасида жойлашган Қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари ва ўқув фермерлиги институтида бугунги кунда қишлоқ хўжалигида долзарб бўлган муаммолар ва улар устида амалга оширилаётган инновацион ечимлар билан танишилди.



*2021 йил 26 август, Қишлоқ хўжалиги факультети илмий-тадқиқот лабораторияси, Дебрецен шаҳри*

Ушбу институт томонидан бир қанча инновацион лойиҳалар амалиётга тадбиқ этилиб келинмоқда, ерни ақлли суғориш усуллари, ирригация тизимлари, масофадан бошқариладиган тракторлар ва қишлоқ хўжалигига жорий қилинаётган кўплаб рақамли технологияларни мисол тариқасида келтириш мумкин.



*2021 йил 26 август, Қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари ва ўқув фермерлиги институти қошидаги инновацион технологияларни тадбиқ қилиш дала майдони, Ўзбекистон Республикасида*

27 август куни кун тартибига мувофиқ делегация аъзолари Мад шаҳрида жойлашган Виночилик академиясига ташриф буюрдилар. Виночилик ва саноат узумчилиги йўналишида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари билан танишилди, узум етиштириш ва соҳада инновацион технологиялардан фойдаланиш, Венгрия тажрибасини Ўзбекистонда жорий қилиш бўйича келишувларга эришилди.

***ТКТИ ректори Б.Ш.Усмонов***